Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 130 (7520). ● 8 июль, 1981 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Л. И. БРЕЖНЕВ АСАРЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ ТОМИ

Сиёсий адабиёт нашриётида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг «Ленин йўлидан» асарлари (1979 йил апрель — 1981 йил март) тўпламининг саккизинчи томи босмадан чиқди.

Шу томга киритилган асарларда КПСС XXVI съездига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақтида КПСС билан Совет давлатининг кўп томонлама фаолияти тасвирлаб берилган.

Тўплам материалларида ҳозирги босқичда партиянинг миллий сиёсатини амалга оширишга, совет давлатчилигини, социалистик демократияни ривожлантиришга тааллуқли янги муҳим қоидалар баён этилган. Том КПСС XXVI съездининг материаллари — Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот доклади ва унинг съездаги ҳамда съезд муносабати билан қилган бошқа нутқлари билан ниҳояснга етади.

Тўпламнинг мазмуни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг атоқли раҳбари — Леонид Ильич Брежнев партия сиёсатига, мамлакатимизнинг коммунистик қурилиш йўлидан тобора ривожланиб боришига, Ер юзида мустаҳкам тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш улуғ ишига гоят катта шахсий ҳисса қўшаётганлигини яққол ифода этади.

(ТАСС).



ТОШКЕНТ, 7 июль. Республика семинар-кенгаши президиумида.

ЎзТАГ фотохроникаси.

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИНИ КПСС XXVI СЪЕЗДИ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

РЕСПУБЛИКА СЕМИНАР-КЕНГАШИ

7 июль куни Тошкентда КПСС XXVI съездининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида идеология ишини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши очилди. Бу семинарда область, шаҳар ва район партия комитетларининг идеология иши масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, бўлим мудирлари, министрликлар ва идоралар, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг раҳбарлари, республикадаги Совет, касаба союз ва комсомол органларининг масъул ходимлари қатнашмоқдалар.

Семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Садимов очди.

Семинар-кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников семинарда «КПСС XXVI съездининг қарорларини ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида идеология, сиёсий-тарбия ишининг самарадорлиги ва сифатини ошириш йўллари» тўғрисида доклад қилди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов КПСС XXVI съезди қарорларида партиянинг иқтисодий сиёсати янада пухта ишлаб чиқилганлигига, ўн биринчи беш йиллиқда Ўзбекистонни иқтисодий ва социал ривожлантириш масалаларига тўхталиб ўтдилар.

Семинар программаси КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш билан боғлиқ кўп масалалар юзасидан тўпланган тажрибани баҳам кўришни кўзда тутади. Республика партия ташкилотларининг КПСС XXVI съезди қарорларини пропаганда қилиш ва меҳнаткашларни партия режаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига, шунингдек идеология ходимлари бутуниттифоқ семинар-кенгашининг тавсияларига мувофиқ ўн биринчи беш йиллиқда белгиланган коммунистик қурилиш планларининг амалга оширилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш таъсирчанлигини кучайтириш соҳасидаги фаолияти муҳокама қилинмоқда.

Республика семинар-кенгаши ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. Айтмуратов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, У. Умаров, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. И. Воробьев қатнашмоқдалар.

Семинар қатнашчилари шу куни В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида республика ижодий союзларининг раҳбарлари билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди ўз ишини тамомлаганидан буён тўрт ойдан сал кўпроқ вақт ўтди. КПСС билан совет халқи В. И. Ленин васиятларига, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмига астойдил содиқ эканликларини съезд яна бир марта жуда яққол кўрсатди. Съезд тарихий қарорларининг ўзгартирувчилик кучи, съезд эълон қилган янги ғоллар ҳозир Совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларида, тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашда очиқ равшан сезилиб турибди.

Реал социализм, барча революцион кучлар ривожининг масъулиятли марраси да, мураккаб ва хатарли халқаро вазиятда Ленин партияси ўзининг коллектив донишмандлигини, ички ва халқаро ривожланишнинг энг зарур, ҳаётий муҳим масалаларига тўғри жавоб бера билиш маҳоратини яна намойиш этди.

КПСС XXVI съезди халқлар онгига тинчликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатиш чуқурлаштириш, қуролланиш пойгасини жиловлашдан иборат натъий ва пухта ўйлаб қўйилган позицияни империализмнинг уруш оловини ёқувчиликдан иборат агрессив йўлига қарама-қарши қилиб қўйган анжуман бўлиб киради. Съезд жаҳон сиёсатининг энг ўткир, энг «портлаб деб турган» муаммоларини ҳал этишнинг реал йўлини кўрсатди.

Съезд коммунистик бунёдкорлик йўлидаги муҳим босқич бўлди. У партия билан халқимизни ҳозирги босқичдаги кураш стратегияси ва тактикаси билан, Совет жамияти иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий турмушини янада мустаҳкамлашга ҳамда ривожлантиришга қаратилган конкрет йўл-йўриқлар билан қуроллантирди.

Партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездда КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот доклади ҳозирги замонининг буюк ҳужжати, дунёдаги ишларнинг аҳволини марксча-ленинча ижодий таҳлил этишнинг, объектив баҳолашнинг ажойиб намунасидир. Бу докладда партия билан халқ революцион ўзгартирувчилик фаолиятининг зўр тажрибаси умумлаштирилган, жаҳон ривожининг, КПСС иқтисодий ва социал сиёсатининг актуал проблемалари юзасидан муҳим назарий умумлашмалар ва хулосалар баён этилган. Ҳисобот доклади илмий коммунизм назариясига ва практикасига катта ҳисса қўшди, партиямизнинг программавий ҳужжати бўлиб қолди. Ўн биринчи беш йиллик улуғвор режаларини бажариш учун курашда совет халқи учун қудратли илҳомбахш омилга айланди.

КПСС XXVI съезднинг ғоялари ва қарорлари миллион-миллион кишилар онгида ўртоқ Л. И. Брежневнинг номи билан чамбарчас боғланган. Леонид Ильичнинг партия ва давлат ишидаги жуда катта тажрибаси, унинг социализм ва тинчлик ишига астойдил садоқати, коммунистик қурилиш ва халқаро сиёсатнинг энг зарур, истиқболли вазифаларини ҳал этишнинг тўғри йўллари ва воситаларини белгилашдаги юксак санъати, унинг ленинча ёнлошиш, ленинча донишмандлик ва ишчанлик, коллективизм руҳи билан суғорилган бутун иш услуби, омманинг эҳтиёжларига ва фикрига сезгирлик билан эътибор бериш — ленинча чиниқиш сабоғини олган, ленинча кенг миқёсда иш тутадиган инсоннинг, ленинча типдаги арбобнинг мана шу ҳамма фазилатлари КПСС XXVI съезди ишида ва қарорларида тўла-тўкис намоён бўлди.

Докладда баён этилган қоидалар ва вазифалар партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотлари учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Экономика, социал жараёнлар, идеология фаолияти соҳасидаги ишларнинг ҳолатини баҳолашдаги реализм, 80-йиллар учун белгиланган мараларнинг конкретлиги ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладига, унинг съезд ёпилиши вақтида сўзлаган нутқига алоҳида таъсирчанлик бахш этади, совет халқини мамлакатни янада ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга сафарбар қилишнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ҳисобот докладининг ғоялари, съезднинг йўл-йўриқларини ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш онгига тушунарли тил билан, яққол ва ишонарли тарзда сингдириш, мана шу энг муҳим ҳужжатларни чуқур ўрганишни ташкил этиш, омманинг куч-ғайрати ва ташаббусини съезд қарорларини, ўн биринчи беш йиллиқ планларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар қилишда партия ташкилотларига ёрдам бериш — ҳозир бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишимизнинг энг муҳим вазифаси ва бош мазмунидир.

Бунда съезд материалларини пропаганда қилиш, ўрганиш қисқа муддатли кампания бўлмай, балки биз қилишимиз лозим бўлган ҳамма ишлар учун пишиқ пухта эътиқод негизини вужудга келтирадиган мунтазам, амалий, пухта ўйлаб қилинадиган иш, такрор айтаманки, амалий ва пухта ўйлаб қилинадиган иш экнини ҳамиша эсда тутмоқ керак.

Съезд партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг ҳамма ишлари ва режаларига мислсиз кучқувват бахш этди, ҳамма жойда съезд қарорларини турмушга татбиқ этиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Партиямиз Ленин васиятларига амал қилиб, ғоявий-тарбиявий ишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблаб келди ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайди. Шу сабабли КПСС Марказий Комитети бу ишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш тўғрисида, партия ташкилотларини энг яхшиларнинг тажрибаси билан қуроллантириш ҳақида, КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларига доир қарорларини ва партия XXVI съезднинг йўл-йўриқларини муттасил рўёбга чиқариш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Шу йил апрель ойида Москвада бўлиб ўтган идеология ходимларининг Бутуниттифоқ семинар-кенгаши бунинг яққол далилидир. Съездан кейин ов вақт ўтгач, бу кенгашнинг чақирилиши съезд ўртага қўйган вазифаларни рўёбга чиқаришда партия сиёсий-тарбиявий ишга нақадар катта аҳамият бераётганини равшан кўрсатиб турибди. Шу боиздан ҳам ўша кенгашда ишлаб чиқилган қоидалар ва тавсиялар республика партия комитетларининг фаолияти практикасига кенг миқёсда ва имкони борича тезроқ сингдириб юборилиши жуда муҳимдир.

Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари барча совет кишилари каби ҳозир КПСС XXVI съезди қарорларининг сафарбар этувчилик таъсири остида яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Республикада партия белгилаб берган социал-иқтисодий ривожланиш программасини бажариш учун умумхалқ кураши авж олиб кетди.

Биз ўз олдимизда турган вазифалар миқёси ва мураккаблиги даражасига амалда кўтарилганимиз сайин, биз съезд ишлаб чиқкан назарий қоидалар ва йўл-йўриқлар бойлигини тобора чуқур ўзлаштирганимиз сайин биз партиявий сиёсий ишни яхшилаш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш зарурлигини тобора равшанроқ англайберамиз.

Ҳамма режаларимизнинг муваффақиятли рўёбга чиқиши съезд қарорларини кундалик конкрет ишларда нақадар оператив ва сифатли намоён эта олишимизга, идеология ишини съезд йўл-йўриқларига мувофиқ равишда самарали қайта қуришга муваффақ бўла олишимизга жуда кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Бу вазифаларни ҳал этишда шаҳар ва район партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, республика совет, касаба союз, комсомол органлари, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари раҳбар ходимларининг КПСС Марказий Комитети қарорига мувофиқ ўтказилаётган ушбу семинар-кенгаши муҳим роль ўйнаши лозим. Семинар-кенгаш КПСС XXVI съезд талаблари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида идеология, сиёсий тарбия ишининг самарадорлиги ва сифатини ошириш йўлларини муҳокама қилади.

Семинар ишида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири, ҳаммамизнинг чуқур ҳурматимизни қозонган ўртоқ Евгений Михайлович Тяжельников иштирок этаётганлиги қувончли ва диққатга сазовор воқеадир. Буни биз партия Марказий Комитетининг республикада партиявий-сиёсий ишни муттасил такомиллаштириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг яна бир ифодаси деб биламиз.

(Давоми 2-бетда).

МОСКВАДАГИ XII ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Москва кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларини самимий табриклайман.

Жаҳон кинематографияси ютуқларининг мана шу кенг кўриклари анъаналарини бизнинг мамлакатимизда юксак қадрлайдилар. Кино-қудратли санъат, ўз моҳиятига кўра демократикдир. Унинг аудиторияси миллиардлаб кишилардан иборат. Кинематографиячиларнинг гоят катта масъулияти ҳам мана шундан келиб чиқади.

Бироқ ҳам чинакам санъаткор воқеликни тасвирлай туриб, даврнинг бош проблемаларидан четда қола олмайди. Бинобарин шу нарса табиийки, эзгулик, адолат, озодлик, тинчлик идеаллари учун нақадар аниқ-равшан курашса унинг овози шу қадар яхши эшитиладиган бўлади. Бугунги кунда халқлар ўртасида ҳамжиҳатликка эришиш, уларнинг маънавий муносабатда бўлишларига ёрдам бериш айниқса муҳимдир. Тараққийпарвар кино шунга хизмат қилади.

Бу галги Москва фестивали халқаро ишларда тинчликни сақлаб қолиш проблемаси ўткирроқ бўлиб қолган бир пайтда ўтмоқда. Совет Иттифоқи ўзининг позициясини аллақачон белгилаб олган. Биз — кескинлик юмшатилишини мустаҳкамдаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз. КПСС XXVI съездида бу ҳақда яна бир бор амалий ва конструктив тарзда баён этилди.

Милитаризм кучлари бош кўтараётганлигини биз яхши сезиб турибмиз. Аммо кишилар ёвузлик олдида ўзларини заиф деб билмасликлари керак. Аксинча, тинч ҳаёт учун бўладиган ҳар қандай хавф-хатар ва таҳдидларни бартараф этишга яна ҳам зўр ирода, яна ҳам сабот-матонат билан эришиш зарур.

Мен аминманки, фестивалнинг «Кино санъатининг инсонпарварлиги учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун!» шиори кино ходимларининг вазифаларигина эмас, шу билан бирга Ер юзидаги барча халқларнинг энг эзгу орзу-умидларини ҳам яхши ифода этади.

Москвадаги халқаро фестивалнинг самарали ишлашини ва унинг олиҳаноб миссияси тўла муваффақият қозонишини чин кўнгилдан тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ҚАРДОШ БОЛГАРИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ўзбекистонга келган димитровча Коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Георги Таневни 7 июль куни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ш. Р. Рашидов республиканинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида, бу муваффақиятлар КПССнинг ленинча миллий сиёсати амалга оширилганлиги, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги туфайли эришилганлиги тўғрисида, партия ташкилоти КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини рўёбга чиқариш соҳасида бажараётган катта ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Ш. Р. Рашидов ўн биринчи беш йиллиққа белгиланган иқтисодий ва социал программани амалга оширишга республика ёшлари қўшаётган талайгина ҳиссани таъкидлаб ўтди. Г. Танев қизғин, самимий қабул учун миннатдорчилик билдирди, Тошкентда бўлишдан, Ўзбекистон меҳнаткашлари ва ёшлари билан учрашувлардан олган таассуротларини гапириб берди.

Болгар ва совет халқлари, иккала мамлакат ёшлари ўртасидаги қардошларча анъанавий дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик, тинчлик ҳамда порлоқ коммунистик идеаллар тантанаси манфаатлари йўлида бундан буён ҳам муттасил ривожланаверади, деб қатъий ишонч изҳор қилинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Е. Гафурконов, БЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири И. Н. Шчелоков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИНИ КПСС XXVI СЪЕЗДИ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

(Боши 1-бетда)

Семинар-кенгашимизнинг программаси тўрт кунга мўлжалланган. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретарларининг, республика министрликлари ва идоралари, ижодий союзлар, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари раҳбарларининг чиқишларини, тажрибаларни баҳам кўришларни ва фикрлашувларни, Тошкент шаҳри ва области партия ташкилотларининг иш тажрибаси билан танишишни кўзда тутади. Ишимизнинг мана шундай плани партия комитетлари ва ташкилотлари фаолиятининг актуал проблемаларини амалий равишда муҳокама қилиш, тажрибани ўртоқлашиш, тарбиявий жараёнинг турмуш юзага келтирган янги шакл ва усулларини ҳар томонлама таҳлил этиш учун яхши имконият беради, деб ўйлаймиз.

КПСС XXVI съездида идеология ишининг кўпгина соҳалари ва жабҳаларини қайта қуриш зарурлиги масаласи аниқ-равшан қилиб қўйилди. Бу кўрсатмани коммунистик тарбиянинг вужудга келган системасини қандайдир синдириб ташлаш деган тарзда тушунмаслик керак — бундай қилишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Аксинча, гап партия комитетлари ва ташкилотлари практикасида орттирилган жамики чинакам қимматли тажрибаларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш тўғрисида бормоқда.

Қайта қуришнинг моҳияти ва мақсади — пропаганда ва агитациянинг мазмунини бойитишдан, уларнинг ҳаёт билан боғланишини мустаҳкамлашдан, уларнинг илмий савияси ва жанговарлигини оширишдан иборат. Бу соҳада эскирган, қотиб қолган иш усулларини одамлар билан мулоқотда бўлишнинг янги, янада таъсирчан шакллари билан алмаштириш ҳам жуда муҳимдир. Съезднинг бутун ғоявий-тарбиявий ишни сийқа ибораларсиз ва тайёр жумлаларнинг бир қолипдаги янгиндисисиз жонли ва мароқли олиб бориш тўғрисидаги, бу ишнинг замонавий шароитларга, инсоннинг ўсиб бораётган маънавий талаб ва эҳтиёжларига муносиб бўлиши ҳақидаги талаби принципиал аҳамиятга эгадир.

Партия Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори пухта ўйлаб, эҳтиёткорона ва талабчанлик билан ёндошишнинг ёрқин намунасидир. Сиёсий ўқув системасида вужудга келган жамики қимматли тажрибани мустаҳкамлаш билан айни бир вақтда бу қарор ҳозирги қун талаблари тақозо этган кўпгина янгиликларни киритади. Бу қарор ҳар биримизни ташаббус кўрсатишга, коллектив ва шахсий ижодкорликка даъват этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейнги вақтларда коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий ҳамда иқтисодий ўқиши билан, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг фаолияти билан, лекция пропагандасининг ҳолати ва идеология ишининг бошқа соҳалари билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни айни мана шу позицияларда туриб таҳлил этди. Биз, идеология фронтининг ходимлари ўзимизнинг кундалик ишимизни айни шундай — зўр жўшқинлик билан истиқболни кўзлаб, ижодий тарзда ва илҳом билан олиб боришимиз керак. Ҳозир биз бундан бошқача меҳнат қилаолмаймиз. Бошқача йўл билан муваффақиятга эришиб бўлмайди!

Леонид Ильич Брежнев партия XXVI съездидаги Ҳисобот докладининг «Ривожланган социализм даврида КПССнинг иқтисодий сиёсати» деган асосий бўлимлардан бирини якунлар экан жуда муҳим принципиал қондани лўнда, аниқ, равшан қилиб бундай таърифлади: «Экономикага раҳбарлик қилиш масалалари шунчаки хўжалик масалалари бўлмай, сиёсий, партиявий масалалардир. Партия шиорлари, программалари омманинг фаолиятида яшаётганлиги кўпдан маълумдир. Биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, деган эди В. И. Ленин, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўзларча миллионларни бунинг зарурлигига ишонтирмоқ керак.

Гап амалда ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик ишининг узвий бирлигига эришиш тўғрисида бормоқда. Ҳаёт барча хўжалик иқтисодий ва сиёсий вазифаларимизни ҳал этишга мана шундай комплекс ёндошиш заруратини ҳар қачонгидан ҳам зўр куч билан тақозо этмоқда.

Хўш, конкрет нималар назарда тутилмоқда? Республика партия ташкилотларининг бу соҳадаги практикаси қандай?

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан кейин орада икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу вақт ичида рўй берган ўзгаришларни умуман, кенг миқёсда баҳолайдиган бўлсак, партия комитетлари, идеология жабҳасидаги активлар, барча хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш проблемаларига янада зўр масъулият билан қарай бошладилар, деб тўла асос билан айтиш мумкин.

Сиёсий-тарбиявий иш масалаларининг турли жиҳатлари партия комитетларида ва бошланғич партия ташкилотларида манфаатдорлик билан муҳокама қилинмоқда. Бунда сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг ҳолати ҳар тарафлама таҳлил этилмоқда. Мана шундай комплекс ёндошиш натижасида ғоявий-тарбиявий ишнинг сифати ҳам, таъсирчанлиги ҳам анча ошди, одамларнинг коммунистик онглилиги, уларнинг ишлаб чиқариш ва сиёсат соҳасидаги активлиги анча юқори поғонага кўтарилди. Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнат коллективларининг конкрет ишларида, ўн биринчи беш йиллик режаларини бажариш йўлидаги умумхалқ ҳаракатида намоён бўлмоқда.

Республика шаҳар ва қишлоқларини иқтисодий ҳамда социал жиҳатдан ривожлантириш проблемаларига тарбия нуқтаи назаридан тобора кўпроқ ва чуқурроқ қараётганини ҳам биз катта силжиш деб биламиз. Ҳар қандай хўжалик масаласининг ҳал этилиши одатда моддий-техникавий жиҳатлангина эмас, ташкилий-сиёсий жиҳатдан ҳам таъминланади.

Партия комитетларида корхоналардаги ва хўжаликлардаги ишлаб чиқаришнинг ҳолатини коллективдаги ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг ҳолати билан ўзвий равишда боғлаб кўриб чиқиш практикаси яхшиланмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Бу — ишга тўғри ёндошишдир, сиёсий раҳбарлик органи бўлмиш партия комитети масалани мана шундай ва фақат мана шундай тарзда қўйиши керак.

Аммо кўпгина шаҳар ва район партия комитетлари у ёки бу корхона, қурилиш хўжалигининг фаолиятини муҳокама қилганда, партия ташкилотининг ишини чуқур идрок қилишни, коммунистларнинг жой-жойига қўйилишини, уларни ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий турмушдаги ролини, тарбиявий ишнинг самарадорлигини, бу ишда барча коммунистларнинг иштирокини кўриб чиқишни кўпинча унутиб қўймоқдалар. Объектив омилларни инобатга олмаганда, бир хил коллективлар муваффақиятининг сирлари, бошқа хил коллективлар қолоқлигининг сабаблари, одатда, кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялашдан партия ташкилотлари барча бўғинларининг активлиги ва жанговарлигидан, идеология ишининг ҳамма омиллари, сиёсий ва иқтисодий ўқишни ташкил этишдан, ўтказилаётган суҳбат ва лекцияларнинг миқдори ҳамда сифатидан, кўргазмали агитациянинг ҳолати ва шу кабилардан иборат бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бошқа сўз билан айтганда одамлар дилига нақадар чуқур йўл топа билишимиздан, уларни нақадар зўр коммунистик эътиқод руҳи билан қуроллантирганимиздан иборатдир.

Шу боисдан ҳам партия комитетлари ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун эмас, шу билан бирга коллективнинг маънавий-психологик иқлими учун, хўжалик фаолиятининг идеологик оқибатлари учун ҳам раҳбарларга нисбатан талабчанликни бутун чоралар билан оширишлари зарур.

Биз ҳаммамиз, айниқса идеология ходимлари, ҳар қандай раҳбар ходим ўзининг бутун иш услуби билан, ишга муносабати билан, одамлар билан муомала қилиш йўриғи билан, шахсий фазл-атвори ва ибрати билан коллективнинг онги ва кайфиятига таъсир қилишини ҳамиша назарда тутишимиз керак. Раҳбар кадрларни танлашда мана шуларни ҳам эътиборга олиш керак.

Бу кадрлар ишни чуқур билиши, сиёсий жиҳатдан етуклиги, одамларга меҳрибонлиги билан ажралиб туриши керак.

Бугун мазкур масаланинг жуда муҳим яна бир қиррасини — раҳбар ходимларнинг сиёсий-тарбиявий ишда шахсан қатнашиши керакligини таъкидлаб ўтмоқчиман. Баъзан бу ишга етарли эътибор берилмайди. Тахминан шундай деб мулоҳаза юритадилар., раҳбар ходим меҳнат коллективларининг аъзолари билан кун сайин ва кўп мартаба муомала қилади, ишлаб чиқаришга доир кўпдан-кўп қатта ва кичик масалаларни ҳамда шахсий масалаларни ҳал этади. Модомики шундай экан, унинг лекциялар ўқиши, суҳбатлар ўтказиши, сиёсий ёки иқтисодий мактабдаги машғулотларга раҳбарлик қилиши шартми?

Бу саволга фақат битта жавоб бўлиши мумкин: Албатта шарт! Чунки у бу ўринда бошқа бир тарзда майдонга чиқади: энди у ўз ҳукмини ўтказадиган маъмурий ходим эмас, балки ўз сафдошлари, маслакдошларига партия сиёсати ва албатта коллективнинг умумий иши мағзини чақиб берадиган обрў-эътиборли ўртоқдир. Натижада ижодий муҳит, ўртоқларча ҳамжиҳатлик ишга манфаатдорлик билан ёндошиш вазияти юзага келади.

Бу — мутлақо равшан масала бўлса ҳам, аммо баъзи раҳбар ходимлар тарбиявий ишдан четда турганликларини кўрсатувчи фактларга ҳам тез-тез дуч келиб турибмиз. Бунинг устига партия ходимлари орасида ҳам баъзи бировлар мана шу жуда муҳим фаолият соҳасига ҳамон етарли аҳамият бермаяптилар.

Лоақал ягона сиёсий кунлар сингари иш формасини олиб кўрайлик. Бу форма нисбатан яқинда юзага келган бўлса ҳам, аммо партия ташкилотларининг иш тажрибасидан кенг ва мустаҳкам ўрин олди. Бироқ, айрим шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, бошқа партия, совет, хўжалик органларининг ходимлари банд эканликларини баҳона қилиб одамлар билан учрашиш имкониятини, улар билан дилкаш суҳбатлашиш, ишларининг аҳволи ва келгусидаги вазифаларини гапириб бериш, уларни қизиқтираётган саволларга жавоб қайтариш имкониятини назарга илмаяптилар. Ҳолбуки, меҳнаткашлар билан бевосита алоқа қилиш, уларнинг фикрлари ва кайфиятини билиш, одамларнинг онги ва дилига шахсан таъсир қилиш — ҳар бир раҳбар ходим учун муваффақиятли ишлашнинг зарур ва мажбурий шартидир.

Шу масала билан боғлиқ бўлган яна бир гап: ишимизда матбуотдан фойдаланиш ҳақида, бунинг ёрдамида партия, давлат хўжалик органлари ва ташкилотлари фаолиятида ошкоралики тобора тўла-тўкис амалга ошириш тўғрисида гапириб ўтмоқчиман. Афсуски баъзи ўртоқлар бу масалани газеталаримиз турли-туман кенгаш ва маслаҳатлар тўғрисидаги ҳисоботлар, тегишли органларнинг қарорлари билан доимо тўлдириб чиқарилишини керак, деган тарзда тушунадилар. Большевистик матбуот ленинча принципларининг моҳияти эса шундан иборатки, мансабдор шахслар етилган проблемаларни қандай ҳал этаётганликлари тўғрисида матбуот, радио, телевидение орқали доимо ҳисоб бериб туришлари, одамларни қизиқтираётган масалаларга очиқ-ойдин жавоб қайтаришлари лозим.

Социалистик экономика — совет кишилари бунёдкорлик фаолиятининг бош соҳасидир. Меҳнат зафарларида қатнашмай туриб, янги инсонни самарали тарбиялаб, уни ҳар тарафлама камолотга эриштириб бўлган эмас ва бўлмайди ҳам.

Биз ҳамиша маънавий, мафкуравий омил хўжалик вазифаларини ҳал этишда бениҳоя актив роль ўйнашига асосланиб иш тутишимиз лозим. Бунинг маъноси шуки, биз сиёсий, тарбиявий ишимизнинг самарадорлиги ва сифатини ошириб, социал-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришимиз мумкин ва аксинча, тарбиявий ишга эътиборсизлик бу тараққиётни секинлаштириши мумкин.

Бу жиҳатдан олганда социалистик мусобақани ташкил этиш, илғор тажрибани кенг пропаганда қилиш ва амалий жорий этиш катта аҳамиятга эга бўлади. КПСС XXVI съезди ва унинг қарорлари оммаларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини қулф урдирган, унинг ижодкорлиги, ташаббускорлиги ва кучини янада юксалтирган бир даврда бу айниқса муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида партия режаларини амалга ошириш учун умумхалқ курашининг конкрет вазифалари белгиланди. Бу вазифалар ҳар бир партия комитетининг, ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир меҳнат коллективининг амалий иши бўлиб қолиши керак.

Республикада москволикларнинг 1981 йил ишлаб чиқариш программасини муддатидан илгари бажариш соҳасидаги ташаббуси кенг ёйилди. Ўнинчи беш йиллик топшириқларини икки марта ошириб бажарган ва ўн биринчи беш йилликда ўн йилга ва шундан кўпроқ даврга мўлжалланган планларни бажаришга аҳд қилган саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа илғорларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган мажбуриятларида республика меҳнаткашларининг ватанпарварлик ғайрат-шижоати ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Бу ажойиб ташаббусни пропаганда ва агитациянинг ҳамма воситалари билан кун сайин маънавий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлабгина қолмай, илғор иш усуллари ва методларини пухта ўрганиш, барча меҳнаткашларни бу усул ва методлар билан қуроллантириш, ҳар бир иш жойида ташаббус кўрсатиб, зўр ғайрат билан меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш ҳам жуда муҳимдир.

Бу гап Меҳнат Қизил Байроқ орденли неча ўнлаб коллективларга, орден ва медаллар билан мукофотланишга сазовор бўлган мингминглаб меҳнат қаҳрамонларига тамомила тааллуқлидир. Энг яхши ишлаб чиқарувчилар ва илғор коллективларнинг тажрибаси бизнинг буюк иқтисодий бойлигимиздир ва биз бу тажрибадан моҳирлик ҳамда омилкорлик билан фойдаланишимиз лозим. Бу соҳада хўжалик раҳбарларининг ҳам, идеология ходимларининг ҳам қиладиган ишлари кўп.

Шу муносабат билан ишимизнинг илғор меҳнат методларини пропаганда қилиш ва жорий этиш билан боғлиқ икки жиҳатига эътиборни жалб этишни истайман. Биринчидан, энг яхши муваффақиятлардан ҳаммани кенг хабардор қилиш ва жамоатчиликнинг уларни астойдил қўллаб-қувватлашини таъминлаш, новаторларнинг иш тажрибасини кўрсата билиш, кишиларни бу тажрибадан манфаатдор қилиш, улардан ўрнак олишга интилишни кучайтириш зарур. Бунинг учун оғзаки пропагандамизда ҳам, матбуотда ҳам умумий қондаларни ҳар бир меҳнат коллективининг конкрет ишлари ва вазифалари билан маҳкам боғлаб олиб бориш керак. Ленининг «Сиёсий шовқин-сурон қамроқ бўлсин, ҳаётга кўпроқ яқинлашилсин» деган талаби ҳозирги кунда ҳам ўзининг актуал аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Баъзан шундай бўлади: лекцияларда, суҳбатларда, босиб чиқариладиган материалларда ишнинг самарадорлиги, сифати, меҳнат унумдорлиги, тежамкорлик тўғрисида умумий мулоҳазаларгина айтилади, келтириладиган мисоллар эса конкрет корхона ва хўжаликнинг ўзига хос хусусиятларидан узоқ бўлади. Ваҳоланки, бу коллективнинг фаолиятида эътиборга сазовор бўлган, амалий таҳлил этишни, жиддий фикр юритишни талаб этадиган мароқли, ибратли ишлар оз эмас.

Иккинчидан, завод ёки фабрикада тақдирлашга сазовор новаторлардек ишлашга интилаётган ва ишлайдиган меҳнаткашлар кўп бўлишига қарамай, бир неча йил мобайнида айрим илғорларнингина муваффақиятлари кўрсатиб ўтилади. Аммо ана шу меҳнаткашларнинг меҳнат шароитлари бошқача, техникаси ҳам эскириб қолган, уларнинг ғайрат-шижоати эса баъзан сезилмай ҳам қолади.

Ҳар бир муваффақият, ҳар бир рекорддан тажриба ҳосил қилинган ва бу тажриба оммавий кўламда сабот билан жорий этилган тақдирдагина қимматлидир. Бинобарин, меҳнатни ташкил этишни мунтазам равишда такомиллаштириш, самарали ва сифатли ишлаш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш учун барча заминларнинг вужудга келтирилишини таъминлаш лозим.

Партия ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш тўғрисида кўп ғамхўрлик қилмоқда. Маълумки, ижтимоий фойдали меҳнат — инсон учун энг биринчи, ҳаётий заруратдир. Кишиларнинг ҳамма қобилияти тўлиқ рўёбга чиқадиган зарур меҳнат шароитларини вужудга келтириш инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш демакдир.

Шу боисдан партия съездида соф виждон билан бажариладиган ижодий меҳнатнинг нуфузини ҳамма жойда ошириш, меҳнат мезони ва истеъмол мезони устидан қаттиқ назорат ўрнатиш проблемалари кескин қилиб қўйилди. Бинобарин жамиятчиликнинг реал имкониятларини эътиборга олиб шахсий талаб-эҳтиёжни шакллантириш, малакасиз қўл меҳнати ва оғир жисмоний меҳнатни қисқартириш ва тугатиш, социал-маданий соҳани ривожлантириш зарур.

Партия комитетлари нормал ўй-жой, маданий-маиший шароит яратилишини қаттиқ назорат қилиб туришлари лозим. Шу муносабат билан ҳисобот докладида баён этилган қоидани эсдан чиқмоқдаман. Докладда айтилдики, янги саноат объектлари ишга тушириладиган ҳақида олинадиган рапортларга одатда бу ерда ишлайдиган одамлар учун нималар қилинганлиги, қанча уй-жой, болалар боғчалари, кутубхона ва профилакторий қурилганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. «Келинг, келишиб олайлик, деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев, — бундан кейин объектда планда кўзда тутилган уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиши программаси ҳам бажарилган тақдирдагина бундай рапортлар ҳақиқий деб ҳисоблансин». Бу қоида ишимизнинг асосий қонуни бўлиб қолиши керак.

Меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида гапирганимизда ишимизнинг кичик шаҳарларда, район марказлари ва посёлкаларда филиалларни ва мустақил саноат корхоналарини вужудга келтириш каби йўналишини алоҳида кўрсатиб ўтишни истаймиз. КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати бу масалада бизга қандай катта ёрдам кўрсатаётганлиги ҳаммангизга маълум. Бундай корхоналарни замонавий техника асосида тез ва сифатли қуриш учун ҳамма чораларни кўриш-шарафли ишимиздир. Бундай корхоналар иқтисодий жиҳатдангина эмас, катта социал-сиёсий аҳамиятга ҳам молик бўлиб, одамларни ижтимоий меҳнатдан баҳраманд қилиш, неча ўн мингларгаб кишиларни ишчилар синфи сафига жалб этиш мактабидир.

Энг муҳими шуки, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг қуйидалик ишларида съезднинг ҳар бир киши-тўғрисида амалий ғамхўрлик қилиш — партия иқтисодий сиёсатининг бошланғич ва шиорвард нуқтаси эканлиги тўғрисида берган йўл-йўриқларига асосланиб иш кўришлари керак. Шу сабабли кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларга савдо-сотиқ, маиший ва медицина хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар диққат марказимизда туриши керак. Бу — кишиларни тарбиялаш, иш билан тарбиялаш, кишини жамиятимизнинг дур-гавҳари деб ҳисоблаб, унга муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш демакдир.

Ҳозирги кунда идеология ишининг партиямиз ленинча тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини тушунтириш каби, душманга қарши пропагандани қучайтириш каби таркибий қисми ҳақида ҳам алоҳида гапириб ўтишни истаймиз. Социализм билан капитализм ўртасидаги идеология кураши ҳеч қачон сусайган эмас. Бу кураш кейинги вақтларда айниқса кескинлашиб кетди.

Халқаро кескинлик кучайиб, тобора хатарли тус олмоқда. Америка империализми бошчилигидаги урушқоқ қайфиятдаги милитаристик доиралар кескинликнинг юмшатилишига путур етказиш, қуролланиш пойгасини авж олдириш йўлига ўтдилар. Улар мамлакатимизга ва социалистик ҳамдўстликдаги давлатларга қарши туҳмат тошини ёғдирмоқдалар. Буржуа пропагандаси тобора макрли тус олаяпти. Оммавий ахборотнинг кучли замонавий воситалари бу пропагандага хизмат қилмоқда. Улар Советларга қарши кузатган мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан ҳазар қилмаяптилар, сийқаси чиқиб қолган антикоммунизм шиорларидан фойдаланмоқдалар.

Жаҳон жиддий хавф остида қолди. Шуидай бир пайтда Ватанимизнинг тинчликни ҳимоя қилиш, термоядро урушининг олдини олишга осойишталик билан даъват этган сермазмун садоси Кремлдан, СССР Олий Совети сессиясидан бутун жаҳонга жаранглаб эшитилди. Совет кишилари, планетадаги барча соф виждонли кишилар ўрток Л. И. Брежневнинг сессияда сўзлаган оташин нутқини ва СССР Олий Советининг «Жаҳон парламентларига ва халқларига» мурожаатномасини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

Бизнинг вазифамиз — партиянинг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини пропаганда қилишни қучайтириш ва бу ишнинг самарадорлигини оширишдан, совет кишиларининг ҳушёрлигини қучайтиришдан иборат. Синфий душманларимизнинг идеология соҳасидаги диверсиясини тез ва даҳшатли фош қилиб ташлаш, мамлакатимиз ҳақидаги, социалистик турмуш тарзи ҳақидаги, совет халқининг тинчлик учун, бутун инсониятнинг бахтли истиқболи учун олиб бораётган фидокорона кураши тўғрисидаги ҳақиқатни халқларга маълум қилиш лозим.

Ўртоқлар! Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш — бутун партиянинг, барча коммунистларнинг ишидир. Аммо идеология ходимлари бу соҳада алоҳида, жуда масъулиятли роль ўйнайдилар, деб таъкидлаб ўтаман. Республикада билимли, малакали ахборотчилар, лекторлар, агитаторлар, ёзувчилар, журналистлар, ҳар бир ишда, ҳар бир ишчи ва деҳқонга ишонч ва ҳурмат билан қараш, ҳеч қачон ҳеч нарсадан ҳадиксирамасдан, ҳеч нарсадан ҳадиксирамасдан, ҳеч нарсадан ҳадиксирамасдан ишлаш, ҳеч нарсадан ҳадиксирамасдан ишлаш, ҳеч нарсадан ҳадиксирамасдан ишлаш

ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРИНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

КПСС XXVI съезди чорвачиликни қишлоқдаги зардор фронт деб эълон қилиб, бу тармоқ маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, айниқса, сигирлар маҳсулдорлигини ошириб, сутнинг сифатини яхшилашни ўн биринчи беш йилликда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири қилиб қўйди. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида таъкидланганидек, чорвачиликни жадал ривожлантириш учун, аввало, озуқа етиштириш ва қайта ишлашни тўбдан яхшилаш, мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш, хўжаликлардаги мавжуд чорва молларини ўзларида етиштирилаётган озуқа билан таъминлашга эришиш лозим бўлади.

Озуқанинг тури ва миқдорини кўпайтиришда, унинг тўйимлилигини оширишда оралиқ экинларни кўпроқ экиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунисни диққатга сазоворки, оралиқ экинлар ҳар бир қарич ердан юксак самара билан фойдаланиш имконини беради. Чунки жавдар, сули, арпа, перко, рапс, гарчица каби оралиқ экинлар алоҳида майдон талаб қилмай, пахта, маккажўхори, шоли, каноп, полиз ва сабзавот каби асосий экинлардан бўшаган майдонларга экилади.

Республикамизнинг, шу жумладан, пойтахт Тошкент областининг тупроқ ва иқлим шароити, сув запаси оралиқ экинларини куз, қиш ва баҳор мавсумларида ўстириш учун жуда қулайдир. Хўжаликларда ҳар гектар майдондан 300 центнердан 500 центнергача қўк масса олиб, чорва моллари учун сенаж бостириш пичан ва ўт уни тайёрлаш мумкин. Шунинг учун ҳам кўпгина хўжалик раҳбарлари оралиқ экинлари моҳиятини тўғри тушунган ҳолда уларни кўпроқ етиштиришни планлаштирмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оралиқ экинларини ҳамма ерда оммавий равишда кўпайтириш имкониятлари ҳозирча чеклангандир. Чунки уларнинг турлари ва навлари ҳозирча оз. Хўжаликлар қайси нав уругни топсалар, шуни экишга мажбур бўлядилар. Ҳолбуки, озуқа экинларининг ҳосилдорлиги, пишиб етилиш муддатлари, сифати ҳар хилдир. Масалан, Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозида арпани рапс билан қўшиб экилса, шу райондаги Свердлов номли колхозда арпанинг ўзи, Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли, Акмал Икромов номли колхозларда кузги жавдар экилмоқда.

Колхоз-совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари оралиқ экинларнинг у ёки бу навини танлаш ва экишда уларнинг ҳосилдорлиги ва пишиб етилиш муддатларини аниқ ҳисобга олишлари керак. Чунки, мавжуд майдонларнинг ҳаммасига бир хил озуқа экинини экиш кутилган самарани бермайди. Сабаби шундаки, экин бир вақтда пишиб етилади. Чорва молларига ҳар куни керак миқдорда ўриб бериб борилганида экиннинг бир қисми пишиб ўтиб кетади. Натижада унинг поя ва барглари дағаллашади, озуқабоп хусуситини йўқотади. Моллар иштаҳа билан истеъмол қилмай, унинг кўп қисмини нушхўрда чиқариб юборади. Ана шунинг учун ҳам моллларга кўк ҳолда бериладиган озуқа экинлари ҳосилдорлиги, вегитация муддатига қараб танлаб; босқичларга бўлиб экилса, кетма-кет пишиб етилади, моллларга кўк ва сархил ҳолда едирилади.

Ҳозирча юқори ҳосилли ва эртапишар оралиқ экинлари уруғи етишмайди. Шуни ҳисобга олиб, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг деҳқончилик кафедрасида қатор тажрибалар ўтказилди. Ўзбекистонда районлаштирилган ва кўпроқ экиб келинаётган кузги жавдарнинг «Тетроплоид», арпанинг «Унумли арпа», сулининг «Ўзбекистон кенг барглиси» навлари тажрибанинг контрол вариантлари сифатида қабул қилиниб, Тожикистондан келтирилган экинларга солиштириб кўрилди. Шунда Тожикистондан келтирилган экинларнинг кўпи тезпишарлиги ва ҳосилдорлиги билан устун эканлиги маълум бўлди.

Жавдарнинг «Тетроплоид» нави кузги ҳисобланади. У апрель ойининг охирги ўн кунлигида пишиб етилиб, бўйи 130 сантиметргача ўсади. Ҳосилдорлик эса 320—400 центнергача етади. Аммо жавдарнинг «Вахш-116» нави ундан анча афзалдир. Бу озуқа турини маккажўхори, каноп, полиз, сабзавот каби эрта етиладиган экинлардан кейин июль-август ойларида экилса, октябрь ойида бўйи 90—110 сантиметрга етиб, бошоқлайди. Гектаридан 300—370 центнергача қўк масса олиш мумкин бўлади. Қўриниб турибдики, «Вахш-116» жавдар нави ўта тезпишардир. Шуниси қулайки, октябрь ойида ўриб олинганидан сўнг экин қайта майсалайди ва эрта баҳорда апрелнинг биринчи ўн кунлигида гектаридан 490 центнергача кўк озуқа беради. Перко Хитой карами билан рапс ўсимлигини чатиштириш натижасида олинган гибриддир. Ширали, витамин ва минералларга бой ҳисобланади. Унинг 100 килограмм кўк поясида 14 килограмм озуқа бирлиги мавжуддир. Унинг пояси тик ва чиройли ўсади, барглари йирик япроқли бўлиб, сувга жуда талабчан. Бугдой, арпа ва сулига нисбатан қарийб икки марта кўп сув истеъмол қилади. Агар сувга қондирилмаса, ҳосили камайиб кетади.

Жавдарнинг «Вахш-116» навини перко ва рапсга қўшиб экиб, апрелнинг биринчи ўн кунлигида гектаридан 280—510 центнердан кўк масса олиш мумкин. Умуман эрта баҳорда молларни кўк масса билан таъминлаш учун арпанинг «Вахш-34» нави, жавдарнинг «Вахш-116» нави, перко ёки рапс билан, сулининг «Вахш-109» навини экиш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда беданинг дастлабки ўрими бошлангунча яъни 20 мартдан 30 апрелгача молларни кўк озуқа билан боқиш имкониятига эга бўлинади.

Тавсия этилаётган бу озуқа навларининг уруғлари етарли, деб бўлмайди, албатта. Уни кўпайтириш учун хўжаликларнинг ўзлари ҳам жиддий шуғулланишлари лозим. Буниг учун алоҳида ер ажратиш шарт эмас. Ёзда ёки эрта баҳорда беда билан қўшиб экса бўлаверади. Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли, Свердлов номли, А. Икромов номли, Ким Пен Хва номли, «Ленин йўли», «Партия XXII съезди» ва Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозларида бу соҳада ибратли ишлар қилинаяпти. Бу ерда жавдарнинг ўта тезпишар «Вахш-116» нави, шунингдек Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозда сулининг «Вахш-109» нави Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхозда арпанинг «Вахш-34» нави уруғлик учун экиб анча юқори ҳосил олинмоқда.

М. ПИРМАТОВ,
ТИИИМСХ деҳқончилик кафедраси доценти, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

КАЛИНИН РАЙОНИДА

ЭҲТИЕЖДАН ОРТИҒИ...

Эҳтиёждан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга топширишда район меҳнаткашлари ташаббус кўрсатмоқдалар. Айниқса, Ленин қишлоқ Совети ижроия комитети амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир.

Қабул пунктларида кунига ҳолидан 600—700 килограмм сут ҳарид қилиняпти. Шу кунгача давлатга 6 тоннага яқин гўшт топширилди.

ЮКСАЛИШ ЙИЛЛАРИ

Свердлов қишлоғи йилдан-йилга кўркамлашиб бормоқда. Маданият уйи ва маъмурий бинолар, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасалари қишлоқ ҳуснига ҳуси қўшиб турибди.

Қишлоқдаги 480 хонадонга табиий газ келди. Уйларни газлаштириш ишлари давом этмоқда. Бундан ташқари 7 километр йўлга асфальт ётқизилди. Утган беш йилликда юздан ортиқ оила ҳовли тўйларини ўтказди. Эришилган ютуқларда қишлоқ Совети депутатларининг муносиб ҳиссаси бор.

БОЛАЛАР БОҒЧА-ЯСЛИСИ

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози меҳнаткашларининг фарзандлари ажойиб совға олдилар. Хўжаликда 140 ўринли янги типдаги боғча-ясли қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда кичкинтойлар учун барча шарт-шароит яратилган.

ЯШНАЁТГАН НАЗАРБЕК

Шу кунларда Назарбек қишлоғида бўлган киши рўй бераётган катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўлади. Бу ерда зилзиладан сўнг кенг кўламда қурилиш ишлари авж олиб кетди. Бундан ташқари хашар йўли билан кўплаб турар-жой бинолари ремонт қилиниб, янги иморатлар қад кўтарди.

Яқинда қишлоқ меҳнаткашлари яна бир совға олдилар. Қишлоқ марказида ишга тушган саноат моллари магазини аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

М.БОТИРОВ,
Калинин районидаги мухбирлар постининг бошлиғи.

Чет эл Хабарлари

«РУС ТИЛИНИ ЎРГАНИШНИ ИСТАЙМАН...»

АДДИС-АБЕБА, 6 июль. (ТАСС). «В. И. Ленин асарларининг асл нусхаларини ўқимоқ учун рус тилини ўрганишни истайман». — деди «Иекатит-66» сиёсий мактабининг ўқитувчиси Абдулафез Юсуф. Аддис-Абеба университетининг студенти Айналем Ашебир «Улуғ рус тилини, Толстой, Чехов, Горький тилини билиш инсонни маънавий бойитади», деб ҳисоблайди.

«СССРда ёшлар ҳаракати тарихини биринчи манбалардан ўрганмоқ учун рус тили курсларига келдим», — деди революцион Эфиопия ёшлари уюшмаси бўлимининг активи Муссие Афефорк.

Аддис-Абеба университети ҳузуридаги рус тили курсларига келаётган кишиларнинг ҳаммасини дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг ўтмиши ва ҳозирги куни билан, унинг бой маданий мероси билан таниш иштиёқи бирлаштирган.

Совет Иттифоқидан келган ўқитувчилар коллективи бу ерда икки йилдан бўён самарали меҳнат қилмоқда. Курсларда бир нечта группа: ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда шуғулланаётган кишилар учун кечки, университет студентлари учун эса кундузги группалар ташкил этилган.

ЭРОНДАГИ ВАЗИЯТ

ТЕҲРОН, 6 июль. (ТАСС). Бугун эрталаб Решт шаҳрида Эроннинг шимолидаги Гилон вилоятининг губернатори А. Аҳавайн-Ансори ўлдирилди. Айни вақтда унинг ёрдамчиларидан бири оғир жароҳатланди. Ҳужум қилган кимсалар ғойиб бўлишди.

Теҳроннинг Эвин турмасида маҳаллий ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Теҳрон бош прокурори А. Ложеварди матбуот конференциясида сўзга чиқиб, собиқ президент А. Банисадрнинг қаерда эканлиги тўғрисида Эрон ҳалқининг органларига ҳеч нарса маълум эмаслигини айтди. Ислом революцион трибуналининг судьяси М. Гилони ўз навбатида Банисадрга ҳалқ манфаатларига ҳиёнат қилиш ва Эроннинг диний раҳбари Ҳумайнини ҳақорат қилиш айби қўйилаётганлигини ўқитирди. Банисадрни шундай жиноятлари учун қатл этиш, ҳатто бир неча марта қатл этиш керак, деди у.

Ложеварди айтдики, Банисадрнинг жарчиси бўлган «Инкилоби Исломи» газетаси ёпиб қўйилганидан кейин унинг тарафдорлари тузган яширин штаб экстремист гуруҳлар билан иттифоқ бўлиб ҳаракат қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Банисадр, деб давом қилди у, илгари ҳам Эронда унинг варақалари ва газеталарини тарқатган маоchиларнинг мададидан фойдаланиб келган.

Эроннинг турли шаҳарларида экстремист гуруҳлар билан «Ислом инқилоби посбонлари» ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтмоқда. Теҳронда уч киши ўлдирилган. Шохпарастлардан тўқиз киши қамоққа олинган.

Эроннинг янги ташқи ишлар министри Мирҳусайн Мусави Хамейнеи мамлакатнинг ташқи сиёсат масалалари тўғрисида гапириб, Эрон дунё ҳалқларининг озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни ёқлаб чиқаётганлигини қайд этди. Министр Фаластин проблемаси тезроқ ҳал этилиши ва Исроил босиб олган Араб ерлари озод қилиниши зарурлигини таъкидлади.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПАРИЖ. Франция аҳолиси шу йил бошида 53 миллион 838 минг кишига етди, деб хабар беради демография тадқиқотлари институтининг бу ерда эълон қилинган докладида. 20 ёшгача бўлган кишилар Франция аҳолисининг 30 процентини, 65 ёшдан катта кишилар эса мамлакат аҳолисининг 14 процентини ташкил этади.

ТОКИО. Соғлиқни сақлаш ва социал-таъминот министрлигининг қарорига кўра, келгуси йилда Японияда социал эҳтиёжлар учун ажратиладиган маблағлар 100 миллиард иена қисқартирилади. «Акахата» газетасининг хабар беришича, кам маош олувчи оилаларнинг фарзандларига нафақа тўлашни қисқартириш, кейин эса бекор қилиш, кексалар эҳтиёжлари учун маблағларни қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Япония ҳукуматининг меҳнаткашлар манфаатларига қарши навбатдаги ҳужумидан мақсад, деб уқтиради «Акахата», ҳарбий ҳаражатлар учун маблағларни кўпайтиришдан иборат.

ДАКАР. Сенегал министрлар кенгаши «Телесенегал» компаниясини национализация қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу компаниянинг маблағлари Сенегал ҳукуматига ҳамда Франциянинг «Франс кабль эрадио» фирмасига тегишлидир.

«Солей» газетасининг таъкидлашича, телекоммуникациянинг асосий сектори устидан назоратни таъминлаш тўғрисидаги Сенегал ҳукуматининг истагига мувофиқ шундай қарор қабул қилинган.

(ТАСС).

КОНТРРЕВОЛЮЦИОНЕРЛАР ҲУКМ ҚИЛИНДИ

МАПУТУ, 6 июль. (ТАСС). Мозамбик ҳарбий революцион трибунали қўпорувчилик ва жосуслик билан шуғулланган бир гуруҳ контрреволюцион унсурларни ҳукм қилди. Мозамбик информация агентлигининг хабар қилишича, иқрорчи Жанубий Африка Республикасининг ҳизматида бўлган фитначилар ФРЕЛИМО ҳукуматини ағдариб ташлаб мамлакатда капиталистик тузумни тиклаш режаларини тузишган.

Судланувчи етти кишидан икки киши, шу жумладан Жанубий Африка разведкасининг агенти Э. Каз ўлим жазосига ҳукм қилинди, деб уқтиради агентлик.

Жанубий Африка Республикасининг махсус хизмат маҳкамалари марказий разведка бошқармаси билан баҳамжиҳат иш кўриб, «фронт бўйи давлатлари»нинг қонуний ҳукуматларини ағдариб ташлаш мақсадида аллақачондан буён қўпорувчилик ишларини олиб бормоқдалар.

Шу йил март ойида Мозамбикда марказий разведка бошқармасининг агентураси фош қилинган эди.

МРБ агентлари, деб ёзади «Нотисиаш да бейра» газетаси, Африкадаги 40 дан кўпроқ мамлакатда иш кўрмоқдалар. Американинг жосуслик маҳкамаси қитъада террорчилик ишларини активлаштирмоқда, даставвал Вашингтон «Советларнинг тарафдори» деб биладиган мамлакатларни издан чиқариш мақсадида этник ва диний зиддиятларни авж олдирмоқда. 1961 йилдан 1976 йилгача ўтган даврнинг ўзидагина, деб таъкидлайди газета, марказий разведка бошқармаси Африканинг турли мамлакатларидан АҚШга номатлуб бўлган сиёсий арбоблар, ва ҳукуматга қарши 900 га яқин маҳфий операцияларни уюштирди.

ИНДИРА ГАНДИНИНГ МАКТУБИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Покистон президенти Зиёвул Ҳаққа мактуб ёзиб, Американинг замонавий қуроллароғлари Исломободга кўплаб етказиб берилаётганлиги муносабати билан қаттиқ ташвишланаётганини изҳор қилди. Покистон янги қуроллароғлари, айниқса Американинг «Ф-16» қирувчи-бомбардимончи самолётларини сотиб олаётганлиги Жанубий Осиёдаги кескинликнинг янада кучайишига сабаб бўлади, деб уқтирилади мактубда.

АҚШнинг Покистонга «Ф-16» типидаги энг янги қирувчи-бомбардимончи самолётларини етказиб бериш тўғрисидаги қарори Жанубий Осиё давлатларининг хавфсизлигини қаттиқ таҳлика остида қолдиради, деб ёзади Ҳиндистондаги «Стейтсмен» газетаси. Исроил Ироқнинг Бағдод яқинидаги ядро тадқиқотлари марказига безориларча қилган ҳужумда айни мана шу самолётлардан фойдаланилган эди.

Ватанпарварларнинг муваффақиятлари

ПАРИЖ, 6 июль. (ТАСС). Сальвадордан олинган хабарларда айтилишича, деб ёзади ҳафталик «Юманите диманш» газетаси, мамлакатдаги ватанпарвар кучлар кейинги вақтларда ҳарбий соҳада ҳам, сиёсий соҳада ҳам муваффақият қозондилар. Улар озод қилган районларда халқ ҳокимияти мустаҳкамланмоқда.

Қўшма Штатлар хусусан ҳарбий соҳада Сальвадор хунтасини қўллаб-қувватлаётганига қарамай, деб таъкидлайди газета, Американинг сиёсати кутилган натижаларни бермаётир. АҚШ «маслаҳатчилари»нинг Сальвадордаги кенг ҳарбий операцияларда бевосита қатнашаётганлиги уларнинг ниятларини барбод этди. Хунта ва АҚШ давлат департаментининг вакиллари уруш «узоқ давом этиши ва оғир» бўлишини таъкидлаб, ана шу қийинчиликларни тан олишга мажбур бўлдилар.

Муайян доиралар, деб уқтириб ўтади «Юманите диманш» газетаси, АҚШнинг Сальвадор ишларига ҳарбий йўл билан бевосита аралашишни кучайтириш, дейилади мақолада, Марказий Американинг шу районида тинчликни катта хавф остида қолдиражаги ва халқаро майдонда салбий оқибатларга сабаб бўлдажаги тамомила ёндир.

МУТАХАССИСЛАР КЎПАЙМОҚДА

АЛ-ЖАЗОИР, 6 июль. (ТАСС). Жазоир олий ўқув юртларида дипломли мутахассисларнинг навбатдаги битириб чиқиш маросими бўлди. Ал-Жазоир, Оран, Анна-ба, Касентина ва бошқа шаҳарларнинг 80-мингга яқин студент таълим олаётган университетлари ва олий ўқув юртлари миллий экономика учун юқори малакали кадрлар отрядини кўпайтириб бердилар.

Жазоирда яхши таниқли Бу Мердес шаҳридаги нефть ва газ институтини бу йил 500 га яқин инженер битириб чиқди. Жазоир пойтахти яқинида 1964 йилда барпо этилган бу илм даргоҳи шу йиллар мобайнида Совет Иттифоқининг ёрдами билан республиканинг нефть-газ ва химия саноати учун 5 мингга яқин мутахассис тайёрлаб берди.

ЛУСАКАДА КОНФЕРЕНЦИЯ

ЛУСАКА. Бу ерда кўшилмаган мамлакатларнинг Эрон — Ироқ можаросини бартараф этиш билан шуғулланувчи комитети конференцияси иш бошлади.

Конференция ишида Замбия, Ҳиндистон, Куба ташқи ишлар министрлари ва Фаластин озодлик ташкилотининг вакили қатнашмоқда.

(ТАСС).

ИЛГОР коллективларнинг ташаббусига қўшилган Бекобод районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Айни кунларда мўл-кўл хашак жамгарилмоқда. Бу ишда тракторчи Толибжон Маматқулов (ўнгда) кўпчиликка намуна кўрсатаётир. Суратда: хашакни ғарамлаш пайти.

М. Қорабеков фотоси.

«ОЙДИН»

Ёзувчи Мақсуд Қориев «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда», «Ой тутилган тун», «Турналар баланд учади», «Афросиаб гўзали» каби асарлари ва бир қанча ҳикоялари орқали китобхонларга яхши таниш. Адибнинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Ойдин» китоби кенг қамровлилиги, ҳаётий масалаларни кўтариб чиққанлиги, китобхонга инманидир айтиш дарди билан яшаётган ёзувчининг қалб ҳарорати уфуриб турганлиги билан диққатга сазовор.

Китобдан муаллифнинг «Ойдин» қиссаси ва ҳикоялари ўз шакли ва мазмунига кўра уч қисмда берилган: ҳикоялар, жажжи ҳикоялар ва ҳажвий ҳикоялар. Муаллиф ўз асарларига ҳаётнинг турли масалаларини асос қилиб олади. Уни замондошларимизнинг маънавий қиёфаси, ўй-фикрлари, жамиятда ва оилада тутган мавқеи қизиқтиради.

Шоир таъбири билан айтганда, муҳаббат ҳар бир қалбни янгилайди, руҳни поклайди. Шу боисдан ҳам ҳар бир ижодкор бу ўлмас мавзуга мурожаат этиб, муҳаббат талқини орқали ҳаётга ўзининг муносабатини билдиради, китобхонларга ибратли фикр айтишга интилади. Мақсуд Қориевнинг бу мавзуга бағишланган асарлари худди шу маънода битилган бўлиб, самимият билан йўғрилган ва юксак романтик пафосга эга. Китобдаги «Кўк чироқ ёнганда», «Сурнай навоси», «Севгига салом», «Менинг ёруғ юлдузим», «Мовий кўзли гўзал» каби асарларни лирик ҳикоялар дейиш мумкин.

Бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари муҳаббатда охиригача бахтли бўлолмасалар-да, бу пок туйғуни ардоқлайдилар. Гап — фақат муҳаббатда бахтли ёки бахтсиз бўлганликларида эмас, албатта. Гап —ёзувчи ҳаётий долзарб масалаларни кўтариб, ибратли фикр айтишида. Адиб ёшлар қалбига қўл солиб, шунчаки ўткинчи бўлган интим туйғуларни ошириб-тошириб тасвирламайди. У муҳаббат орқали бугунги совет ёшларининг маънавий дунёсини бадиий таҳлил этади, ибратли хулосалар чиқаради.

Эътиборни жалб қиладиган асарлардан бири «Қалдиргочлар баҳорда келади» ҳикоясидир. У ўз мазмун эътибори билан анча таъсирли чиққан. Ҳикояда инсон билан табиат ўртасидаги муносабат қалдиргоч воситаси орқали қаламга олинади. Халқ орасида шундай гап бор: қалдиргоч уя қурган хонадондан файз ва барака аримас эмиш. Бу балки шунчаки рамзийдир, лекин биз сўз юритаётган ҳикоянинг кичик қаҳрамони Нодиранинг мурғак қалбида қалдиргочларга бўлган меҳр ифодаланган. Бу асардан шундай хулоса чиқариш мумкин: яхши инсонлар бор жойда — меҳр-муҳаббат бор, ҳаёт бор, бундай жойда табиат ва унинг мавжудотлари гуллаб-яшнайди, униб-ўсади. Аслида инсон ҳам ана шу табиатнинг ажралмас қисми-да, ахир.

Тўпламдаги «Айиқчалар» ҳикояси ҳам ўз вақтида танқидчилар томонидан ижобий баҳоланган эди. Жумладан, таниқли олим М. Қўшжонов: «Гап фақат мана шу фожиавий ҳолатнинг тасвирида эмас, буни ўрнига қўйиб бера билишда эмас, гап ундан чиқарилган маънода. Ёзувчи мана шу фожиавий воқеа орқали ана қалбининг фидойилигини, ҳар дам, ҳар хил шароитда фарзанд учун ўзини қурбон қилишга тайёр эканини акс эттира олган. Бу хилдаги фидойи юракни тасвирлаётган ёзувчининг ўзи фидойи бўлишига ишонч ҳосил қиласан киши» деб ёзган эди. Ҳикояни ўқиган китобхон мунаққиднинг фикрига қўшилиши, табиий. Асардаги она айиқ образи ниҳоятда таъсирчан ва ишонарли тарзда берилган.

ТАҚРИЗ

Ҳар қандай қизиқарли воқеани етарлича таъсирчан ва дардли қилиб бериш, албатта ёзувчи маҳоратига боғлиқ. Ана шундай мазмундор асарлар сирасига «Мафтункор йўллар» ҳикоясини ҳам киритиш мумкин.

Китобдан жой олган сатирик йўналишдаги ҳикояларда эса ҳаётда учраб турадиган худбин, мансабпараст, лаганбардор шахслар қаламга олинади. Улардан бири «Овдаги воқеа»да Бобокалонов образи орқали маънавий қашшоқ, разил ва худбин шахслар тасвирланади. Қонунсиз равишда ўз мансаби ва юқори лавозимли таниш-ларининг рўқсати орқали таъқиқланган жойда ов қилмоқчи бўлган Бобокалонов тасодифан ботқоқликка ботиб қолади. Ўлим дахшатини ҳис қилган Бобокалонов ўзининг ўтган умрига назар солади. Унинг кўз олдига барча ифлос ишлари ва кирдикорлари келади. Лекин у ана шу ўтган умрининг бемаъни кечганлигидан эмас, балки эгри йўллар, разиллик билан йиққан мол-дунёсининг қолиб кетишига ачинади. У фақат ботқоқликка эмас, балки ҳаромхўрлик, мансабпарастлик, молпарастлик, ифлослик ботқоғига ҳам ботиб кетганини ҳали тўла ҳис қилмаган. Бобокалонов бир зумгагина «янгидан туғилган»дай бўлади, бундан кейин ҳалол меҳнат қилиб, одамларга яхшилик қилишни ўйлайди, лекин ботқоқликдан қутулиб чиққач, ўзининг бу фикрларидан қулади. Чунки разиллик, худбинлик унинг қон-қонига сингиб кетган. Бир қарашда бундай шахслари билиб олиш мушкул. Бироқ ёзувчи китобхонни бундай тубан шахсларнинг қилмишларидан огоҳ бўлишга, уларнинг қабиҳ ишларини амалга оширишга йўл қўймасликка чақиради.

Тўпламда ҳажвий ҳикоялар ҳам бор. Бу асарларда ёзувчи уқувсиз ва талантсиз санъаткор ва ижодкорларни ҳажв остига олади. «Олтин балиқ қиссаси», «Қизариб кетди», «Премьера куни» каби ҳикоялар ана шундай мавзуда.

«Игвогарнинг туши»да эса ҳаётнинг «чақиртиканак»лари бўлган шахсларнинг кишилар орасида ўз-ўзидан ортиқча бўлиб қолишлари ҳақида сўз юритилади. «Тиш можороси», «Ноҳаҳилик» ва «Мақбара» каби ҳикоялар ҳам жуда қизиқарли ёзилган. Улар ўқувчида енгил ва завқли кулги уйғотади.

Китобдан жажжи ҳикоялар ҳам ўрин олган. Улар кўпроқ ибратомуз характерга эга бўлиб, турмушнинг баъзи бир воқеа — ҳодисаларидан ҳаётий-тарбиявий хулосалар чиқаради. Жумладан, «Камтарга камол», «Устоз», «Стрелкачи», «Ғижжакчи студент» ҳикояларидан кишилар ўртасидаги оддий муносабатлар, қадр-қиммат, бурч каби тушунчаларнинг инсон ҳаётида муҳим роль ўйнашини кўрсатади.

Таъсирли ёзилган асарлар сирасига ҳинд халқи ҳаётидан олинган «Менинг ёруғ юлдузим» ва болгар халқи ҳаётини таранним этувчи «Мовий кўзли гўзал» ва «Нето» ҳикоялари ҳам киради. Бу асарлардаги воқеалар ҳам гоят қизиқарли ва жозибадор тасвирланган.

М. Қориевнинг китоби ҳусусида гапирар эканмиз, адиб ижодига тегишли айрим мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтишни жоиз деб биламиз. Биз тилга олган ҳикояларда ҳам озми-кўпми кўзга яққол ташланиб турадиган жузъий нуқсон борки, у ҳам бўлса кўпсўзлиликдир. Хусусан, «Овдаги воқеа» ҳикоясини олайлик. Ёзувчи асарга асос бўлган ҳодисани жуда яхши танлаган. Қаҳрамоннинг руҳий ҳолатларини ҳам анча теран очиб берган. Агар адиб баъзи бир баён йўсинида айтилган гапларни деталлаштирганда, кам сўз билан катта маъно ифодалашга ҳаракат қилганида эди, бу асар янада мароқли чиққан бўларми-ди, деб ўйлайсан, киши.

Бироқ, мазкур китоб таниқли ёзувчи Мақсуд Қориевнинг кейинги йиллардаги изланишларининг самараси сифатида кенг китобхонлар оммасига манзур бўлиши, шубҳасиз.

Д. АБДУРАҲМОНОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг ходими.



Йокосука аҳолиси ҳамда Японияннинг Токио, Иокогама ва бошқа шаҳарларидан келган юзлаб кишилар Йокосука портига келган Американинг «Мидуэй» авианосеценин қаҳр-газаб билан кутиб олдилар. Улар қайиқларда АҚШ ҳарбий денгиз кучлари базаси қаршисида денгизга чиқиб, норозилик намойишини ўтказдилар.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

„НИҲОЛ"—РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНИ

Халқимизнинг яратувчилиги, ижодкорлиги беқиёсдир. Бу ҳол ҳар бир қалам соҳибига чексиз қувонч бахш этади. Айниқса, буни бевосита қайноқ ҳаёт қўйнида нафас олаётган ҳаваскорларнинг машқлари орқали теранроқ ҳис қиламиз.

Бекобод — областимизнинг чекка районларидан бири, бироқ у ерда кўпгина турли касбдаги ҳаваскорлар ижод завқи билан яшамоқдалар. Уларни район газетаси («Коммунист») редакцияси ҳузурида ташкил этилган «Ниҳол» бадиий тўгараги бирлаштириб туради. Тўгаракда ижодкорларнинг машқлари муҳокама қилиниб, мушоира кечалари ва бошқа ранг-баранг учрашувлар ўтказилмоқда.

Биз қуйида «Ниҳол» тўгараги иштирокчилари машқларидан намуналар эълон қилмоқдамиз.

СУРАТДА: «Ниҳол» тўгарагининг бир гуруҳ иштирокчилари — (чапдан ўнгга) А. Боймуродов, А. Бобоназаров, К. Мавлонов, Ш. Эгамова, Ф. Знёдуллаев, К. Раҳмонберднев, М. Иўлдошева ва Э. Исмоиловлар навбатдаги ижодий машғулотни ўтказмоқдалар.

М. Қорабеков фотоси.

Б А Х Т

Иккимиз дуч келдик Тошкент йўлида,
Мени шеър бошлади,
Уни билмадим...
Икков иккн йўлга қўйгандик ихлос,
Кун бўйи ўртада — муаззам пойтахт.
Қайтишда вокзалда учрашамиз боз,
Гўё тонг маҳшарда айлашгандай аҳд.
Шу зайл учрашиб турдик неча вақт,
Шаҳарнинг оқ-ойдин кечаларида.
Кузимга оловдай кўринди пойтахт,
Жуфтлашиб кезганда кўчаларида.
Ниҳолт сўрадим бир кун кўнглини,
Айтдим ҳисларимни байтларга қалаб.
Мунаввар айладим интиқ кўнглини, —
Оташ лабларига қўйиб аста лаб.
Ва дедим: — Тунгилдим сен учун фақат,
Аслида, сен экан мен излаган бахт.
Маҳбуби содиқман, гувоҳдир пойтахт...
— Муҳаббат эргашиб юришн мумкин,
Деган машойихга тавоф этдик, биз.
Тошкент ҳадя этган муҳаббат мулкни
Она щаҳримизга олиб қайтдик биз...

Малик ЭГАМОВ.

НУР ШАҲРИМ

Бекободим, она шаҳрим, нур шаҳрим:
Қалбинг олов, мен тафтидан яйрайман.
Қучоғингда шовуллайди Сир — наҳрим,
Унда тўриб икки ёнга қарайман:
Бир ён «Фарҳод» — Ильич берган бахт нури
Бир ёнингда ёнар домна-печларинг.
Шуҳратингдан ортар қалбим ғурури,
Чароғондир кундузларинг, кечларинг.
Бу жойларда ҳаёт борки, нур борки,
Олов борки, барига сен — онасан,
Юрагимга илҳом бердинг, куй бердинг,
Гул диёрда порлаган нурхонасан.
Сирнинг икки қоғлини ёритиб.
Сенда дўстлик қуёшдайин нур сочар.
Сен куйимсан, ғазалимсан, шеъримсан,
Эй, қуёшга нур бергувчи нур шаҳар.

Ашуралн БОЙМУРОДОВ,
педагог.

ОНА МАДҲИ

Бир чироқ порлайди хонамда,
Бир чироқ нурндан дил равшан.
Унинг ёғдусидан — меҳр тафтидан,
Қалбимда инсоний ҳислар мужассам.
Менга ҳаёт берди чироқ нурлари
Ва ўргатди яшамоққа мардона.
Хонамни ёритган эзгулик знёси
Бир мунис зотдир, у—Онам!

* * *

Ижод нашъаси-ла сармастман бу кун,
Ҳаёт завқин тотиб қўшиқ куйлайман.
Илҳом парвонадек келар қошимга,
Дилимни ром этар шеъриий бир чаман.
Ўз гулимни танлаб термоқ ҳисси-ла,
Муборак гулшанга ташлайман қадам.
Бунда ҳам мададкор бўлади менга
Меҳр-муҳаббатнинг дояси—Онам.

* * *

Оқаргандир бошда сочларинг,
Юзларингга ажин из солган.
Умримиз шиддатла ўтмоқда, Она,
Ташвишланиб қоламан баъзан.
Кўзларингга нур бўлай дейман,
Қувват бўлай дейман белингга.
«Ўглим, сендан мамнунман, — дейсан, —
Хизмат қилсанг Ватан, элингга!»,
Сўзинг—йўлчи юлдузим, Онам!

Файзулла ЗИЕДУЛЛАЕВ,
журналист.

КЎК СОЯБОНЛИ АРАВАЧА

ҲИКОЯ

УЛАРНИ ҳамиша эрта тонгда кўрардим. Уйқудан туриб деразани очаман-у, ётоқхонамиз ортидаги камқатнов, тўргина кўчадан ўтиб бораётган қомати тик, тўладан келган, ўрта бўйли ёшгина аёлга кўзим тушади. У ҳар сафар ҳам кўк соябонли болалар аравачасини етаклаганча шошиб кетаётган бўлади. Негадир кўздан ғойиб бўлгунча унинг ортидан ўзим билмаган ҳолда узоқ вақт термулиб қоламан. «Онаизор, — деб ўйлайман шундай кезларда, — бунчалар шошмаса. Балки ишга кечикмаслик учун елиб-югураётгандир... Боласи — кўзлари мунчоқдек қизчамикин ёки дўмбоқкина ўғилчамикан? Ўғилми, қизми барибир. Фарзанд — юрагининг бир парчаси-да. Қизиқ, кимга ўхшар экан у: отасигами ёки онасига? Ҳа, дарвоқе, унинг отаси — шундай лобар жувоннинг умр йўлдоши, ҳар ҳолда, бахтли киши бўлса керак?..».

Бу фикр хаёлимдан сира нари кетмасди. Кўча-кўйда юрсам, худди қаршимдан ҳозир кўк соябонли аравача етаклаб олган ўша аёл чиқиб қоладигандек саросимага тушиб ён-атрофимга аланглайвераман. Номаълум йигитга ҳавасим келиб, кўпинча дарсларда ҳам ўйланиб ўтираман. Ётоқхонага қайтган тез-тез деразадан пастга нигоҳ ташлаб қўяман, қачон тонг отади-ю, қачон уни яна кўрар эканман деб интиқ бўлавераман...

Бироқ аксига олгандай уч кундан буён жувон кўчамиздан ўтмай қўйди. Ғўё юрагимга яқин, азиз кишимни йўқотгандек ғарангсиб қолдим. Миямда турли хил саволлар чарх урарди: «Нима бўлдийкин-а, унга? Тоби қочдими? Ёки боласи бирор дардга чалиниб қолдимикин?.. Балки, балки бошқа жойга кўчиб кетишгандир?.. Наҳотки у энди бизнинг кўчадан ҳеч ўтмаса?».

Очиғини айтганда, қалбимда унга нисбатан ғайрат пайдо бошлаган қандайдир сирли, илиқ туйғудан сўнг кўнглимда бир оз ғашлик ҳам пайдо бўлган эди. «Нима ўзи бу? Наҳотки мен уни... Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!».

Бугун — дам олиш куни. Шундай бўлса-да, одатдагидан барвақт уйғониб кетдим. Енгил-елпи нонушта қилгач, кеча бошлаб қўйган китобимни қўлга олдим. Столни ҳузурбахш ҳаво оқиб кираётган дераза олдига суриб мутолаага тутиндим. Бироқ тоқатим узоққа чўзилмади. Кўзларим сатрлар узра югураётган бўлса-да, миямга ҳеч нарса кирмасди. Китобни ёпиб бир лаҳза хаёлга толдим. Ўзимни овутиш мақсадида «яхшиси ўша жувон ўтадиган кўчани бир кезиб чиқсаммикин» деган қарорга келдим-да, оҳиста ҳонадан чиқдим.

Студентлик бахтига муяссар бўлиб, тўрт-беш ҳафтадан буён шу ётоқхонада яшаётган бўлсам-да, йўлим тушмагани учунми, ҳар қалай бу кўчадан сира юрмаган эдим. Анча вақтгача кўчанинг у бошидан — бу бошига бемақсад бориб келавердим. «Начора, уни кўриш энди менга ҳеч қачон насиб этмайдиганга ўхшайди. Аслидаку уни кутишга ҳақким йўқ. Ахир у—ўзга бировнинг бахти бўлса...». Бу фикримдан сесканиб кетгандек бўлдим: «Ҳа-я, нега мен уни кутаяпман. Бу асло мумкин эмаску! Унинг оиласи, фарзанди бор... Шундай экан дарҳол кетишим. бу ҳақда бошқа ҳеч қачон ўйламаслигим ва унутишим керак».

Ётоқхона томон ўтгирларканман нигоҳим кўча муюлишига тушиб, кўзларим кувончдан чақнаб кетгудек бўлди. У томонда мен кутган ўша аравача кўринди. Ҳа, худди ўзи!.. Кўк соябонидан дарров танидим. Ана, ортидан таниш чеҳрали жувон ҳам келаяпти. Ие, тўхта, тўхта... Буниси қизиқ бўлди-ку, аравачани етти-саккиз ёшлардаги қизалоқ ҳайдаб келар, жувон эса унинг юришига қараб шошилмай одим ташлар эди.

Жойимдан жилмай улар томонга меҳр билан термулганча туравердим. Аммо, айни шу дақиқаларда беҳосдан кутилмаган воқеа рўй берди: қизалоқ қарши томондан бораётган велосипедли болага йўл бермоқчи бўлиб аравачани четга олди. Қияликкa тўғри келиб қолган аравача кутилмаганда унинг жажжи қўлларидан чиқиб кетди-ю, пастга томон ғилдирай бошлади. Тобора тезлиги ошиб бориб йўл четидаги дарахтга қаттиқ урилди ва ғилдираклари ариқ ичига тушиб, ёнбошига ағдарилиб қолди. «Ўҳ!» деб юбордим турган жойимда беихтиёр. «Болакай... болакай аравачанинг тагида қолди-ку! Зудлик билан ёрдам бериш керак!». Ўйлаб турадиган вақт эмасди, улар томон ўқдек учдим. Атиги бир неча дақиқалар ичида ўша жойда пайдо бўлдим-у, бирданига оёқларим чалишгудек бўлиб таққа тўхтаб қолдим. Не кўз билан кўрайки, ариқ ичида ҳозиргина ёпилган нонлар сочилиб ётар, уларни шошилиб қайтадан аравачага жойлаштираётган жувон эса тинимсиз:

— «Беринг, беринг» эмиш. Ҳайдашни эплолмасанг, кўлимдан олиб нима қиласан, ер юткур! Қайтага шунча нонимни исроф қилдинг, — деб қизалоқни қойир эди.

Бир зум қизалоқнинг кўрқинчдан катта-катта очилган кўзларига, аёлнинг лўппи, бироқ ғазабдан буришган юзларига қараб қолдим. Ҳа, худди шу лўппи юзлар, қўш қиличдек қора қошлару, оқунликдек қоп-қора шаҳло кўзлар анчадан буён оромимни олган, муҳаббат деганда бир қалқиб тушадиган қалбимнинг аллақайси бир бурчагида яшириниб ётган учқуннинг ҳали сўнмаганини ёдимга солиб келарди. Ҳозир бирданига эсган дайди шамол эса, назаримда, ўша учқунни ҳам шафқатсиз учириб кетгандек бўлди. Аста ортимга ўгирилдим-у, оҳиста улардан узоклаша бошладим. Шу пеҳзада оғир бир гуноҳ қилиб қўйган одамдек кўзларимни ердан узолмасдим. Ортимдан эса ҳамон ўша жувоннинг тинмай вайсаши эшитиларди:

— Эсизгина, нонларим, ўн беш тийиндан сотсам, нак уч сўм бўларди-я, жувонмарг...

Абдунаби ҲАЙДАРОВ.

СЎНГГИ МАШҒУЛОТ

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи-мухбирлар университети навбатдаги группасининг сўнгги машғулоти бўлиб ўтди. Унда тингловчилар газета редакцияларининг секретариати иши — материалларни бос махонага тайёрлаш, газетани макетлаштириш кабилар билан танишдилар. Бу ҳақда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг масъул секретари Ш. Умурзоқов сўҳбат ўтказди.

Сўнг университет тингловчилари газета чиқариш технологияси билан танишдилар. Ҳарф териш ва босиб чиқариш — ротация цехларига экскурсия уюштирди. Сўҳбат ва экскурсия тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ҚИЛИЧБОЗЛИК. Франциянинг Клермон-Ферран шаҳрида қиличбозлик бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтаётир. Қиличбозликнинг рапира турида Москва олимпиадаси чемпиони В. Смирнов бош совринни қўлга киритди. Мусобақаларда иштирок этган тошкентлик Собир Рўзиевнинг бу сафар омади келмади. Энди у команда чемпионатида иштирок этади.

● ФУТБОЛ. Кеча Москвада «Торпедо» ва «Спартак» матчи билан олий лига вакиллари мамлакат футбол чемпионатининг иккинчи давра ўйинлари бошланди. Пахтакорчилар бугун Киевда маҳаллий «Динамо» командасига қарши майдонга тушади. Ўтган шанба куни биринчи давраннинг кечиктирилган ўйини ўтказилди. Ростов армиячилари ўз майдонларида «Шахтёр»ни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

● КАМОНДАН ОТИШ. Улан-Уде шаҳрида камондан отиш бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари ўтказилаяпти. Аёллар баҳсида жаҳон ва Европанинг мутлақ чемпиони Наталья Бутузова ғолиб бўлди. Тошкентлик О. Рогова иккинчи ўринни эгаллади.

● ВЕЛОСПОРТ. Тошкентлик армиячи А. Панфилов тулалик командадоши С. Копилов билан ҳамкорликда минг метрга ўтказилган пойгада биринчи ўринни эгаллади. Жуфт бўлиб пойгалашиб улар бу масофани 2 минут 09.738 секундда босиб ўтишди. Мамлакат биринчилиги мусобақалари Таллиннинг «Калев» стадионида бўлиб ўтди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

31 ИЮЛЬ—9 АВГУСТ КУНЛАРИ

«МОСКВА МУЗ УСТИДА БАЛЕТИ»

ГАСТРОЛЛАРИ

ЯНГИ ПРОГРАММА

«МУЗ ВА ФАНТАЗИЯ»

Эркин учиш бўйича жаҳон чемпиони, олимпиада ўйинлари ва жаҳон, Европа биринчиликларининг кўпкарра кумуш медаль совриндори, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

СЕВГЕЙ ЧЕТВЕРУХИН

СССРнинг беш карра чемпиони, СССР кубогининг кўп карра совриндори

ВАЛЕРИЙ МЕШКОВ

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар: Валерий БАБИДСКИЙ, Татьяна КАТКОВСКАЯ, Владимир ЛУЗИН, Зафар ШОКИРОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Спектакллар ҳар куни соат 19.30 да, якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.30 да бошланади.

Билетлар марказий «Юбилей» спорт зали кассасида соат 8.00 дан 20.00 гача сотилади.

Коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

150-Ангрен ўрта ҳунар-техника билим юрти

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8 синф ҳажмида маълумоти билан каландр машинисти — вальцовкачи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, пресловчи-вулканизатор, слесарь-электромонтажчи, электр-газ пайвандловчи, токарь-универсал, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёр. Ўқиш муддати — 3 йил; 10-синф ҳажмида маълумоти билан пресловчи-вулканизатор, шпрадинг-машинасининг машинисти, каландр — машинисти-вальцовкачи, токарь-универсал, саноат ускуналарининг электр слесари.

Ўқувчилар билим юртига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқишнинг 3 йиллик муддатига қабул қилинганлар бепул овқатланадилар, кийим-бош, дарсликлар билан таъминланадилар, қолганлар ойига 30 сўмдан стипендия оладилар. Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини 3 йил ўқиб битирганларга ихтисослик малакаси ёзилган ўрта маълумот тўғрисида диплом берилади. Ўқишни давом эттиришни ҳоҳловчилар олий ўқув юртлари ва техникумларга йўлланадилар, билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ҳоҳишларига кўра Совет Иттифоқининг истаган олий ўқув юртларига йўлланма оладилар ва қабул қилиш имтиёзли шароитларда ўтказилади. Дипломида ўртача 4,5 балл баҳоси бўлган битирувчилар олий ўқув юртларига 2 та фандан имтиҳон топширадилар.

Ўқувчилар билим юртини тугатганларидан кейин Ангрен шаҳридаги корхоналарга ишга юборилади.

150-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртида спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлиги, техника ижодкорлиги, автомобиль ҳаваскорлиги тўгаракларн ишлайди.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхоналардан жой берилади.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ёзилган ариза, туғилганлиги ва маълумоти тўғрисида гувоҳномалар; таржимаи ҳоли, справкалар, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан, медицина (286-форма); 6 та фотосурат (3х4 см.) характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Ангрен шаҳри, Чиқризов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: 12-80, 10-40, 10-32.

Телевидение

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — «Сказ» рус халқ чолғу квартети чалади. 10.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.35 — В. Астафьев. Пушти ёлли тулпор. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Қишлоқдаги оддий иш кунлари. 16.20 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 16.50—Горнчилар қаердасиз! 17.20 — Рус тили. 17.50 — Орленок телестудиясининг концерт зали. 18.35 — Монголияда Халқ Революцияси ғалабасининг 60 йиллигига. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Караева куйлайди. 19.55 — Инсон ва қонун. 20.25 — Ҳаёт чизғи. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Пахтакор» (Тошкент). 24.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (М).

УзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Болалар учун фильм-концерт. 11.45 — Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.50 — Китоб — бизнинг дўстимиз. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20—Кўғирчоқ фильм. 18.35 — Сенинг замондошинг. 19.05 — Бутун партиянинг иши. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Л. Зорин. «Баҳсе». Телевизион миниатюралар театри (такрорий). 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Партком секретари. Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.10 — Бугун оламда нима гап? 23.30 — Кўрсатувлар программаси.

УзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 18.55 — Она тили. 19.30 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Калинин райони чорвадорлари ҳузурида. 20.50 — Реклама. 21.10 — Фильм-портрет.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ҳузуридаги илмий-техника тараққиётига кўмаклашувчи Совети, қурилиш материаллари саноати ишчиларининг Тошкент область касаба союз комитети, «Главташкентстрой», Тошкент область қурилиш индустрияси илмий-техника жамияти правленеси ва Тошкент техника уйи

9 ИЮЛДА

«КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ, ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТ БОШҚАРУВИ КОМПЛЕКСИ СИСТЕМАСИНИ ТАДБИҚ ЭТИШ ВА УЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ» деган темада

ОБЛАСТЬ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ЎТКАЗАДИ

Конференция «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» (Глинка кўчаси, 3 «а»-уйининг) кенгашлар залида соат 10.00 да бошланади.

Ўзбекистон ССР 40 йиллиги номли Тўйтепа металл конструкциялари заводига капитал қурилиш бўлими бошлиги вазифасига иш тажрибасига эга бўлган қурувчи инженер

КЕРАК

Завод квартира билан таъминлайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тўйтепа шаҳри.

ТОҒ БАҒРИ—ОРОМГОҲ

ҚАНДАЙ ДАМ ОЛЯПСИЗ

ИККИ тоғ оралиғидан чиқиб келаётган Ўгам дарёси тошдан-тошга урилиб, сутдек оппоқ кўпириб, жўшиб оқяпти. Дарё соҳилида турсангиз худди баланд шаршарадан келаётгандек салқин, ниҳоятда ёқимли ҳаво юз-кўзларга, димоғингизга урилади. Ҳозирги айни жазирамада шаҳардан келган бўлсангиз — ўзингизни даҳфатан жаннатга кириб қолгандек ҳис этасиз.

Бу — Хумсон ҳавоси, бу — «Ўгам» дам олиш зонасининг ҳавоси.

Тоғ ёнбағирлаб каттагина майдонда жойлашган бу оромгоҳ маскан Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги капитал ремонт бошқармасига қарашли. Бу йил июнда дам олиш зонасида навбатдаги мавсум бошланди. Ҳозиргача бошқарманинг 300 дан ортиқ ишчи ва хизматчиси, ҳордиқхона хизматидан баҳраманд бўлди.

— Дам олиш зонамиз 150 ўринли, — дейди директор Н. Балаев, — ҳар бири 3—6 ўринли 44 та коттежнинг барчасида яхши дам олиш учун қулай шароитлар яратилган. Катта ошхона ишлаб турган бўлишига қарамай, ҳар бир коттежда баллонли газ плиталари ва холодильниклар мавжуд. Истаган одам ўзи олиб келган маҳсулотлардан хоҳлаган таомини тайёрлаши мумкин...

Тоғ ёнбағирлаб қуюқ дарахтлар орасида бир-биридан анчагина масофада жойлашган бу коттежлар, манзара — худди эртакдагига ўхшайди оқшом чоғлари...

Дам олиш зонаси шанба ва якшанба кунлари ишлайди. Жума куни ишдан сўнг махсус хизматчи автобуслар ишчи-хизматчиларни олиб Тошкентдан Хумсонга жўнайди.

— «Ўгам»га йўлланма бепул, — дейди капитал ремонт бошқармасининг бошлиғи Э. Бегимқулов, — касаба союз комитети ҳисобидан, энг илғор ишчи ва хизматчиларга мукофот тариқасида берамиз...

Дарҳақиқат, «Ўгам»га йўлланма—катта мукофот Бу ерда икки кун ҳордиқ чиқарган кишининг меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади.

Чўмилиш ҳовузи, теннис, биллиардхона, спорт майдончалари ҳам дам олувчилар хизматида. Уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун пухта тайёргарлик кўрилди. Директор Николай Андреевич 1969 йилдан — дам олиш зонаси ишга тушган даврдан бошлаб шу вазифада етти йил ишлади, зонани оёққа турғазди. Орада бирнеча йил бошқармада ишлаб, бултур яна директор лавозимига қайтиб келди. Ҳар бир кишининг кўзига яққол ташланадиган ободончилик, саранжом-саришталикда ишбилармон бошлиқнинг қўли сезилиб турибди...

— Хумсонда икки кун дам олиш бир ойга тетик кайфият бағишлайди, — дейди 1-ремонт қурилиш бошқармасининг ишчиси А. Абдувалиев, — мен ҳар ёз мавсумида «Ўгам»да иккиуч марта бўлмасам кўнглим жойига тушмайди. Албатта, шунга яраша яхши ишлайман ҳам...

Ҳ. АЛИМОВ.



Суратларда: дам олиш зонаси манзаралари.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337918, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир— 325894.

Р. 02112 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1671.